



## БАРКАМОЛ, ЖИСМОНИЙ ВА РУҲИЙ СОҒЛОМ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Нарзиев Шахзодбек Зойирович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти” кафедраси ўқитувчиси,

**Қодирова Ирода Ботир қизи**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 316-гуруҳ курсанти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11299928>

**Аннотация:** Ушбу мақолада муаллиф ихтисослаштирилган мактаблар ўз фаолиятида тарбияланувчиларда қонунга итоаткорлик руҳини шакллантириши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиши ва ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам бериши, болаларнинг давлат таълим стандартлари асосида умумий ўрта таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш масалалари тўғрисида илмий қарашлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаган, таълим-тарбия, таълим стандартлари, жиноят, психологик-педагогик ёрдам, қонун, қонунчилик.

Конституциянинг аксарият моддалари вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ, жумладан конституциямизнинг муқаддима қисмидан унга алоҳида урғу қаратилади, яъни, “ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда” деган иборанинг келтирилиши конституция бугунги кун нуқтаи назаридан балки келажак авлод, яъни вояга етмаганлар, ёшлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда қабул қилинганлигини билдиради.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларга салбий таъсир кўрсатувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш бу йўналишдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратеги яси”да белгиланган нотинч оилалар фарзандлари, уюлмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб





қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота- оналарининг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирлар, семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, кўргазмалар қўлланмалар чоп этиш кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича самарали профилактик ишларни амалга ошириш белгилаб берилди.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасасига жойлаштиришнинг аҳамияти шундаки, энг аввало улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг қаровсизлиги ва назоратсизлигини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Дастлабки профилактика шахсда жамиятга зид қарашлар шаклланиши, унинг ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига зид қилмиш содир этилишининг олдини олишга қаратилган тарбиявий профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнидир.

Қуйидагилар вазифалар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

– баркамол, жисмоний ва руҳий соғлом шахсни тарбиялаш, болаларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, масъулиятлилик, мустақиллик ва комил инсон бўлишга интилиш туйғусини шакллантириш;

– болаларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик мойилликлари, қобилиятлари, қизиқишларига, болалар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш талабларига мувофиқ тарзда уларнинг ақлий, эмоционал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашувчи психологик, тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминловчи чора-тадбирларни амалга ошириш;

– болаларнинг давлат таълим стандартлари асосида умумий ўрта таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш;

– тарбияланувчиларда қонунга итоаткорликни шакллантиришга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беришга йўналтирилган дастур ва методик қўлланмаларни рўёбга чиқариш чора-тадбирларини амалга ошириш каби фазибалари мавжуд.

Республика ўқув-тарбия муассасасига 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган (умумий ўрта маълумот олишни тугатмаган) вояга етмаганлар жойлаштирилади ҳамда тарбияланади.





Ўқув-тарбия муассасасига қуйидагилар: ижтимоий хавfli қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган;

– айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясига кўриб чиқиш учун топширилган вояга етмаганлар;

– ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган вояга етмаганлар;

– якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамасдан мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган вояга етмаганлар суд қарори (ажрим) асосида жойлаштирилади.


Вояга етмаганларни ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ва қабул қилиш суд ажрими асосида амалга оширилади. Суднинг ажримига кўра, ўқув-тарбия муассасасига юборилаётган вояга етмаганлар ўқув-тарбия муассасасига ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ходимлари томонидан олиб борилади ва жойлаштирилади.

Бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт вояга етмаганларнинг чуқур билимли бўлишлари, замонавий инновацион ахборот технологияларидан фойдалана олишлари, ҳуқуқий онги ва маданияти юксак даражада бўлишлиги, касб-ҳунарли бўлишлиги, миллий, умуминсоний

қадриятларни ўзлаштириши, ватанига, миллатига, халқига садоқатли бўлишини тақазо этади.

Шу боисдан ҳозирги муҳим вазифалардан бири ўсиб келаётган ёш авлодни яхши тарбиялаш ва жамият учун фойдали инсон этиб етиштиришдир. Бу вазифаларни бажариш бир кишининг иши эмас балки барча жамият аъзоларининг вазифасидир. Ўзбек халқида “Бир болага етти

маҳалла ота-она” деган нақл бўлиб унда чуқур маъно ва мазмун ётади.





Ҳозирги даврда фан ва техниканинг ривожланиб бораётганлиги инсонларнинг турмуш тарзи кундан кун ўзгариб бораётганлиги ҳам вояга етмаганлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилишини тақазо этади. Шунинг алоҳида такидлаб ўтиш жоизки хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаларини ўрганиш билан бир қаторда бизнинг ҳалқимизга тўғри келмайдиган айрим салбий одатларини ҳам ўзлаштиришга интилиши, яъни “оммавий маданият” таъсирларига берилиш ҳолатлари мавжуд. Вояга етмаганларни салбий таъсирлардан асраш, ҳимоя қилиш эса замон талбаларига мос келадиган вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор- психолог лавозимларининг ташкил этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини оширишига хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://constitution.uz/oz>
- Ўзбекистон Республикасининг “Ички Ишлар Органлари тўғрисида”ги
- 2.Қонуни, 16.09.2016 йилда қабул қилинган ЎРҚ-407-сон <https://lex.uz/docs/-3027843>
- 3.Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси <https://lex.uz/acts/111453>
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси <https://lex.uz/acts/97664>
5. Ўзбекистон Республикасининг Кодекслар тўплами <https://kitobxon.com/uz/kitob/ozbekiston-respublikasining-kodekslari-toplami-1-2-jildlar>
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2019 й., 09/19/865/3908-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., 07/22/126/0125-сон;
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида , 17.10.2019 йилдаги 880-сон

